

## **ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ: МАЗМУНИ, ШАКЛЛАНИШИ, МАНТИҒИ**

*Шайманова А.Э.-*

*Тарих ва ижтимоий фанлар факультети*

*Фалсафа ва социология кафедраси катта ўқитувчиси*

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги туфайли фуқароларимизнинг дунёқараши тафаккури, ҳуқуқий онги ва маданиятида туб ўзгаришлар юз берди. Бугун мамлакатимизда бошқарувни либераллаштириш давлат ва жамиятни модернизация қилиш, иқтисодий эркинлаштириш, адолатли фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнларини амалга оширишда жамоатчилик фикрини ўрганишга янгича ёндашувларни тақозо этмоқда. Жамоатчилик фикрини ўрганиш эҳтиёжи эса бир томондан, давлат ва жамият тузилмаларининг демократик тамойилларига нечоғли асосланишига, иккинчи томондан эса мавжуд эмпирик манбаларни илмий аналитик мушоҳадалаш, назарий қайта ишлаш, сентизлаш ҳолатларига бевосита боғлиқ ҳолда шаклланади. Ана шу икки жиҳатлардан бирор бири бўлмаса жамоатчилик фикрини ўрганиш ҳам уни демократик услубларда шакллантириш ҳам самарали кечмайди.

Жамоатчилик фикри тушунчаси маъно мазмуни нуқтаи назардан “жамоа”, “жамоатчилик”, “фикр” сўзларининг мантиқий мақсадли уйғунлашуви маҳуслидир. Жамоатчилик фикрини теран ва тўғри англамоқ учун юқоридаги таркиб ясовчи сўз терминлар моҳиятини аввал бошдан англаб олмоқ муҳимдир. Ҳозир ва ўтмишда, ватанимиз ёхуд хорижий мамлакатлар тадқиқотлари бу терминлар мазмунига турлича талқин берилган бўлиб, уларга мақсаддан келиб чиқадиган маъно юклатиб келинган. Хусусан, аксарият тадқиқотларда жамоатчилик фикрининг таркибий қисми бўлган “фикр” тушунчаси “тасаввур”, “муҳокама”, “қарашлар”, “мулоҳазалар”, “ишонч”, “эътиқод”, “лафз”, “фикр билдириш”, “плюрализм” ва ҳоказо терминларга синоним тушунча сифатида ҳам талқин этилади. Фикр тушунчасининг бундай ҳар ёқлама талқини жамоатчилик фикрини тушунишда муайян мураккабликлар туғдириши табиийдир. Жамоатчилик фикри ўзи нима?

**Жамоатчилик фикри – халқ истайдиган нарсани билишнинг ноорганик услубидир (Гегель), жамоатчилик фикрида ҳамيشа ҳақиқий бўлмаган нарсалар**

**чатишиб кетсада, у ҳар бир даврда катта кучга эга бўлиб келган (машҳур файласуф Гегель фикрича).**

Жамоатчилик фикри атамаси инглизча “public opinion” сўз бирикмаларидан олинган бўлиб, у XVII асрда дастлаб Англияда қўлланилган кейинчалик бошқа мамлакатларга ўтиб, XVIII аср охиридан бошлаб кенг тарқалган. {1.79-80} Худди шунингдек жамоатчилик тушунчаси хусусида ҳам илм фанда яқдил қарашларни йўқлигини эътироф этиш жозидир. “Жамоатчилик” тушунчаси энг қадимги даврларда хусусан кўҳна Эллада ва Рим давлатлари сиёсатида муҳим ўрин тутган бўлиб, унга халқ фикри нуқтаи назаридан қараб келинган. Гарчи қадимги Эллада мамлакатида жамоатчилик фикрига муҳим аҳамият бериб келинган бўлсада, бу масалада кўпроқ дифференциал ёндошув устунлик қилган. Хусусан, халқ фикри зодагонлар, аскар бошлиқлари, шаҳарликлар, озод афиналиклар фикри, периферия, полислар ёхуд плебейлар ва қуллар фикридан кескин фарқ қилган. **Шу боисдан “жамоатчилик” термини қадимги Юнон ва Рим давлатларида “эл халқ мақсад тилаклари”, Олмония, Фарангистон ва Англияда “омма хоҳиш иродаси”, Польша ва Чехославакияда “гуруҳ”, Россияда “йиғин фикр ёди” маънолари билан синоним тушуниб келинган.**

Мовароуннаҳрнинг кўп йиллик тарихида жамоатчилик термини муқаддас тушунчалардан саналиб шахс ва жамоа муносабатларида бирламчи ўрин тутиб келган. У шахснинг таваллудидан бошлаб бутун ҳаёти давомида муайян маёқ вазифасини ўтаб, тартиб қоидалар, тузуклар, қонунлар, урф-одатлар ва анъаналар тарзида амал қилиб кишиларнинг ҳатти-ҳаракатлари, ўй фикрлари, орзу ва режаларини муайян мақсадлар сари йўналтириб келган. Жамоатчилик фикрининг шахс ва жамият муносабатларида устун мавқеига эгаллиги жамоатчилик тушунчасини эса ёндашув нуқтаи назар маъносида англаш имконини беради. **Шу боисдан, бизнинг назаримизда жамоатчилик фикри тушунчасини халқ ёндошуви халқ нуқтаи назари тарзида тушуниш мақсадга мувофиқдир.** Зеро, фикр нуқтаи назар маъносида тutilганда ўз луғавий мазмуни замирига мулоҳаза, баҳолаш, қарашлар сингари таркибий ҳамда тизимий тушунчаларни ҳам қамраб олади.

**Жамоатчилик фикри термини Ғарбий Европада илк даъфа Англия ҳуқук назарияси фанида қўлланилган бўлиб, сўнгра у Олмония, Фарангистон мамлакатлари ижтимоий – сиёсий ҳаётида кенг фойдалана бошланди.** XVII-XVIII асрларда Англия ижтимоий ҳаётида мазкур муаммо бир мунча тор тушунилиб, асосан сиёсий фикрлар жамоатчилик фикри сифатида талқин қилиб, мамлакат миқёсида Парламентида қабул қилинган қарорларга нисбатан халқнинг қарши ёки тарафдор

кайфияти жамоатчилик фикри сифатида талкин этиб келинди. XVIII – аср сўнггига келиб Англияда шахс эркинлиги ва озодлиги амалга таъминланганлиги, ҳар бир шахсга ўз мулоҳаза ва нуқтаи назарларини ошкора тез ҳал эта олиш ҳуқуқларини расман берилганлиги ва қонун йўлида мустақамланиши билан жамоатчилик фикри тушунчаси кенг оммалаша бошлади. Жамоатчилик фикрини оммалашуви жамиятда расмийлашуви, ташкилий шаклланиш жараёнларини ҳам тезлаштириб юборади. Ижтимоий ҳаёт таркибида турли хил сиёсий оқимлар партиялар, уюшма ва жамиятлар фаол амалий-назарий сайи ҳаракатларини бошлаб юбордилар. Турли хил ташкилот ва бирлашмаларга уюшган кишилар табиат ва жамият хусусидаги тасаввур ва режаларини янада кенгрок ёйиш мақсадларида оммавий ахборот воситалари тараққиётига кучли турки бердилар. Бу эса жамоатчилик фикри юзасидан бой эмперик материалларни тўпланиши ва натижада уни назарий татқиқ этиш жараёнини долзарб масала сифатида қун тартибига қўя бошлади. Бу хусусида амалга оширилган илк тадқиқотлар хусусидаги маълумотларни Брайс ва Ф.Голцендроф асарларида учратамиз. Бу асарларда илгари сурилган фикрларга кўра, ғарбий Европада жамоатчилик фикри XIX аср охирига қадар ҳуқуқшунослик фанининг предмети сифатида ўрганиб келинган. XX аср бошларидан эътиборан эса жамоатчилик фикри билан ижтимоий психология фанининг йирик намоёндалари жиддий қизиқа бошладилар.

Жамият ҳаётига социология фанининг кириб келиши жамоатчилик фикрининг ижтимоий аҳамиятини кескин кучайтирди. Жамоатчилик фикри социология фанининг узвий тадқиқот объекти сифатида атрофлича ўрганила бошланди.

Жамоатчилик фикри моҳиятини умумий тарзда ва тўғри баҳолашда америкалик социолог У.Лимпон нуқтаи назари эътиборга лойиқдир. **Жамоатчилик фикри деб таъкидлайди, у кишиларнинг умумий, жамоавий манфаатлари ифодасидир.** Шундай қилиб, жамоатчилик фикри ижтимоий онгнинг ахлоқ, сиёсат, санъат, дин сингари шакллардаги маълум ҳолати ва айни чоғда мазкур соҳаларда унинг нечоғли намоён бўлиш мезони ҳамдир.

Шу ўринда, машҳур файласуф Гегель ўзининг “**Ҳуқуқ фалсафаси**” асарида **жамоатчилик фикри ва моҳияти хусусида мулоҳаза юритиб, унга “мувофиқлик” мезонига кўра уйғунлашувга фикрлар жамулжамидан ўзга ҳодиса эмас деб қарайди.** “**Кишилар – деб қайд этади улуғ файласуф – ижтимоий ҳодисалар хусусида ўз мулоҳазаларини изҳор этишлари ҳисобига кўпчиликнинг ўзаро мантиқан мувофиқ умумий фикри юзага келади**”. Гегель ижтимоий ҳаёт соҳаларининг баъзиларида, хусусан, **илм-фан муаммоларига ёндошишда жамоатчилик фикридан**

фойдаланмаслик нуқтаи-назарини, илгари суради. У илм-фан чуқур текшириши, атрофлича тадқиқ этилган маълумотлар негизидагина такомил топишини таъкидлайди. Аксарият ҳолларда жамоатчилик фикри “махсус тайёргарликдан, ўқимаган кишилар фикр-мулоҳазаларининг йиғиндиси сифатида кўпгина тасодифий фактлар, тасдиқланмаган хабарлар, фискал-фасод ва ғийбатлар асосида ҳам шаклланиши мумкин” деб уқтиради. .{2.67-69}

**Шундай қилиб, Гегель жамоатчилик фикрига баҳо беришда эҳтиёткорлик ва совуққонлик зарурлигини таъкидлаб масалага бирмунча консерватив бошқарув жараёнларида англашни инкор этади.**

Жамоатчилик фикри билан бевосита шуғунланувчи мутахассислар бу ижтимоий ҳодисанинг мураккаблигини таъкидлашади. Дарҳақиқат, жамоатчилик фикрини тасвирлаш, аниқлаш мушкул, уни ўлчаб бўмайди. Лекин у ҳамма жойда мавжуд, унинг таъсирини алоҳида шахс ҳатти-ҳаракатида ҳам, омма хулқ-атвор фаолиятида ҳам кўрса бўлади.

Маълумки, ривожланган мамлакатларда жамоатчилик фикрини шакллантиришнинг умумий (оммавий ахборот воситалари, телевидения, реклама, шоу дастурлар) ва горизантал (жамоат ташкилотлари, оила, норасмий лидерлар, корхоналар, партиялар) йўналишлари амал қилиб келмоқда. Масалан, АҚШда жамоатчилик фикрини махсус шакллантириш борасида 200.000 дан кўпроқ киши доимий фаолит олиб бормоқда. Биргина АҚШ мудофаа вазирлиги фаолиятини тарғиб этиш бўйича 15.000 мутахассис иш юритар экан.

Мамлакатимизда истиқлол йилларининг илк даврлариданок жамоатчилик фикрини ўрганиш ва ана шу реал эҳтиёжлар асосида халқнинг маънавий сарчашмалари булоғини очиш, ўзлигини намоён этиш имкониятларини тиклаш борасида муҳим қадамлар қўйилди. Биринчидан, ана шу ижтимоий жараённи ҳам назарий ҳам амалий ўрганишга мутасадди бўлган социология соҳасининг илмий педагогик асослари таркиб топтирилди. Кўплаб ўқув-услубий адабиётлар, монографиялар, илмий тўпламлар чоп этирилди. Иккинчидан, социология фанинг илмий назарий потенциали таркиб топтирилди. Бугунги кунда республикаимизда 3та социология фанлари доктори ва ўнга яқин фан номзодлари фаолият юритмоқда. Учинчидан, жамиятнинг турли табақалари орасида ижтимоий фикрни ўрганишга ихтисослашган профессионал нодавлатлар тизими шакллантирилди. Шунини таъкидлаш жоизки, биргина “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш марказида ўтган беш йил мобайнида 103та махсус социологик сўровлар ўтказилиб, 130.000дан

зиёдроқ киши тадқиқотларга жалб этилгани маълумдир. Агар республикамиздаги ўнлаб ихтисослашган социологик марказлар, ташкилотларнинг мустақил равишда ўтказилган сўровларига ялпи жалб этилган аҳоли сони тахмин этилса, бу рақам бир неча юз мингдан ошиб кетишини қўришимиз мумкин.

Шу ўринда республикамиз раҳбари И.А.Каримов жамоатчилик фикри омилига жиддий эътибор қаратиб, мазкур соҳанинг фуқаролик жамиятини барпо этиш ва жамиятни эркинлаштириш борасида катта имкониятлари мавжуд эканлигини бир неча бор таъкидлаганликлари бежиз эмас. Зеро, жамоатчилик фикрини мақсадли шакллантириш, аҳоли турли табақалари онгини эзгулик ғоялари руҳида тарбиялаш, маънавият, маърифат, одоб-ахлоқ тамойилларини устувор мавқеларга кўтаришда муҳим аҳамият касб этади.

### **Р Е З Ю М Е**

Мақолада жамоатчилик фикри тушунчасининг мазмуни ва шаклланиш жараёнлари очиқ берилган. Жамоатчилик фикри социология фанининг узвий тадқиқот объекти сифатида олиб қаралган.

**Таянч тушунчалар:** “жамоа”, “жамоатчилик”, “фикр”, “тасаввур”, “муҳокама”, “қарашлар”, “мулоҳазалар”, “ишонч”, “эътиқод”, “лафз”, “фикр билдириш”, “плюрализм”.

### **Р Е З Ю М Е**

В статье раскрыты тематика и особенности формирования устойчивого общественного мнения. Общественное мнение сформировано как объект исследования предмета социологии.

### **SUMMARY**

The article contains clear maintenance and forming process of social opinion. Social opinion is considered as the organic object of sociological science.

### **Адабиётлар**

1. Каримов.И. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. - Т.: Ўзбекистон, 1995. -166 б.
2. Бекмуродов А. Социология асослари Т.: -1994.- 67 б.
3. Алиқориев Н.С. Умумий социология - Т.: 1999. -79 б.